



Tadqiqot.uz

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

## ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2021

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳрири маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дијором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Ағзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қызлар давлат педагогика  
университети, Қозогистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент.  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонқуловова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Самарқанд давлат университети

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши мұхандислик-иктисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Раҳбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнур Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозогистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирата кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иктисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Саипова Камола Давлаталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Давлат тарихи институти, Қозогистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор  
Ал-Фаробий номидаги Қозогистон  
Миллий университети, Қозогистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмайлова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Иноятова Диларам Маниглиевна**  
Тарих фанлари доктори (DSc)

**Талапов Баҳриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Толибоева Нодира Одилжоновна**  
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

**Page Maker | Верстка | Сахифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,

Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## **МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT**

<b>1. Яраш Ғаффоров</b> ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР.....	4
<b>2. Жуммагул Абдураҳмонова, Улугбек Исмоилов</b> ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	11
<b>3. Жавлонбек Бегалиев</b> ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (1940-1950 йиллар).....	18
<b>4. Ҳамза Жўраев</b> БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЛАРНИНГ МАДАНИЙ ИНҶИЛОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	24
<b>5. Jahongir Inoyatov</b> JAHON FOTOSURAT TARIXINI O'RGANISHGA DOIR ILMIY YONDASHUVLAR EVOLYUTSIYASI.....	31
<b>6. Жамшид Кўчаров</b> АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРОНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ САВДОДА ТУТГАН ЎРНИ.....	37
<b>7. Айгуль Раимова</b> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ФАН.....	45
<b>8. Шоҳсанам Сулаймонова</b> ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	51
<b>9. Солежон Тошев</b> ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ.....	57
<b>10. Фарҳод Усманов</b> XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	63
<b>11. Шуҳрат Құдратов</b> XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	72
<b>12. Сулаймон Ҳайдаров</b> ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	78

# ҮТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Шуҳрат Ёдгорович Қудратов,  
Бухоро давлатуниверситети  
Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

## XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИ

**For citation:** Shukhrat Y. Kudratov. THE FUNCTIONING OF MARKETS IN THE EMIRATE OF BUKHARA IN THE END OF 19<sup>TH</sup> –END OF THE 20<sup>TH</sup> CENTURIES. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 5, pp.72-77



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-5-11>

### АННОТАЦИЯ

XIX аср охири XX аср бошларида шарқ мамлакатлари орасида Бухоро амирлиги, тижоратнинг муҳим маркази сифатида машҳур эди. Бухоро ўз қулай иқтисодий, географик ўрни туфайли Осиёнинг шарки ва жанубини, унинг шимоли ва ғарби билан, Россия орқали эса Европа мамлакатлари билан боғлаган.

Ушбу мақолада XIX аср охири -XX аср бошларида шарқ мамлакатлари орасида Бухоро амирлиги тижоратнинг муҳим маркази сифатида машҳур бўлганлиги, дунё давлатларида ишлаб чиқарилган турли хилдаги моллар билан тўлиб тошган маҳобатли бозорлари тўғрисида маълумотлар берилган. Шу билан бирга бозорлар бир неча турларга бўлиниб, амирлик иқтисодий ҳаётининг маркази вазифасини ўтагани, савдо сотиққа ихтинослашган, турли туман моллар сотиладиган алоҳида бозорларнинг йўлга қўйилиши натижасида савдо маданиятининг анча юксак бўлганлиги алоҳида қайд қилинган.

**Калит сўзлар:** бозор, тижорат, савдо, савдогар, тоқ, тим, савдо уйи, ботмон, хорижий фирма, воситачи, товар.

Шуҳрат Ядгарович Қудратов,  
старший преподаватель  
кафедры История Бухары  
Бухарского государственного университета

## ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ РЫНКОВ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В КОНЦЕ XIX- И НАЧАЛЕ XX ВВ.

### АННОТАЦИЯ

В конце XIX - начале XX веков Бухарский эмират был известен среди восточных стран как важный центр торговли. Благодаря выгодному экономическому и географическому положению Бухара соединяет восток и юг Азии с севером и западом, а через Россию - со странами Европы.

В данной статье предоставлены сведения о популярности Бухарского эмирата в качестве важнейшего центра торговли среди стран Востока в конце – XIX и начале XX вв., изобилия величественных рынков различными товарами произведенными в странах мира. Также отдельно предоставляется о разделении рынков по видам, выполнения их роли экономической жизни, их специализация в торговле, налаживание работы отдельных рынков, где продается различные товары и высокого развития культуры торговли.

**Ключевые слова:** рынок, торговля, коммерция, коммерсант, купол, тим, торговый дом батман иностранная фирма, посредник, товар.

**Shukhrat Y. Kudratov,**

Senior lecturer of chair of “History of Bukhara”  
of the Bukhara state university

## THE FUNCTIONING OF MARKETS IN THE EMIRATE OF BUKHARA IN THE END OF 19<sup>TH</sup> –END OF THE 20<sup>TH</sup> CENTURIES

### ABSTRACT

In the late 19th and early 20th centuries, the Emirate of Bukhara was known among the eastern countries as an important center of trade. Due to its favorable economic and geographical location, Bukhara connects the east and south of Asia with its north and west, and through Russia with European countries.

The following article provides information about the popularity of the Emirate of Bukhara as the most important center of trade among the countries of the East in the late 19th and early 20th centuries, the abundance of majestic markets for various goods produced in the countries of the world. It is also separately provided about the division of markets by type, the performance of their role in economic life, their specialization in trade, the establishment of separate markets where various goods are sold and the high development of the culture of trade.

**Index Terms:** market, trade, commerce, merchant, dome, tim, trade house, batman, foreign firm, intermediary, product.

### 1. Долзарбилиги:

XIX аср охири XX аср бошларида шарқ мамлакатлари орасида Бухоро амирлиги, тижоратнинг муҳим маркази сифатида машҳур бўлиб, ўз қулай иқтисодий, географик ўрни туфайли Осиёнинг шарқи ва жанубини, унинг шимоли ва ғарби билан, Россия орқали эса Европа мамлакатлари билан боғлаган.

Мана шундай имконият боис, Бухоро ўзининг савдо ва турли мамлакатлар савдогарларининг учрашув жойи бўлган бозорлари билан алоҳида ажралиб турар эди. Бозорлар савдо қаторлари, бинолар, тим ва тоқлардан, яъни ўзида маълум бир товарни сотиш ишлари амалга оширилган майдондан ташкил топган. Бозорлар ва савдо расталари маҳсулотлар турларига кўра Лабиҳовуздан (ўзбек, тожикчада кўл бўйида) шаҳарнинг марказий майдони Регистонгача чўзилган эди. Бухоро бозорлари ўзининг маҳобати билан машҳур бўлиб, ҳатто XIX асрнинг бошларида Бухорода бўлган сайёҳатчилар томонидан ҳам қайд этилган[1]. Бухоронинг ўнлаб бозорларига Россия, Хиндистон, Эрон, Хитой ва Афғонистондан ҳар йили 15 минг тужуда турли моллар келтирилган.Хусусан, афғон савдогарлари чой савдоси бўйича етакчи бўлишган. Ҳиндистондан хинд ва инглиз матолари, қимматбаҳо тошлар, тилла буюмлар, Эрондан ранг-баранг буёқлар ва мурч, Хитойдан чой, чинни идишлар ҳамда кумуш олиб келинган. Россиядан эса металл, фабрика газламалари, шакар ва ёғоч маҳсулотлари келтирилган. Бухоро бозорлари бутун шарқда машҳур бўлиб бозорнинг тўкин-сочинлигини, унда Шанхай, Рангун, Ҳинд ва Европа товарларининг сероблигидан билса бўлади[2].

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар – тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда XIX аср охири -

ХХ аср бошларида Бухоро амирлигидаги бозорлар фаолияти илмий таҳлил этилган. Хусусан, рус, инглиз, ҳинд, афғон ва эрон моллари билан тўлиб-тошган Бухоро бозорлари Тошкент бозорларидан бир неча маротоба катта бўлиб, уларда нафақат маҳаллий маҳсулотлар, балки чет эллардан келтирилган товарлар нисбатан анча арzon сотилган. Бухородан ташқари бир қатор туманлар бозорларининг ҳам довруғи баланд бўлган. Жумладан, Фиждувон бозори, Бухоро шахри бозорларидан сўнг, ҳудуддаги энг йирик савдо-сотик маркази саналган. Бу ерда жуда катта ҳажмдаги қишилк хўжалик маҳсулотлари ва чорва моллари билан савдо қилинган. Хусусан, қозоқ чорвадорлари Фиждувон бозорларига ҳар ойда 10000 бош қўй-эчки келтириб сотишган[3]. ХХ аср бошларида Фиждувон бозорида бир кунда 4000 ботмонгача пахта сотилган. Бозорда Э.Циндель, Зингер ва Нобеллар савдо уйлари каби хорижий фирмаларнинг бўллимлари фаолият юритган.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Бухорода бозорлар бир неча турларга бўлинниб улар шаҳар иқтисодий ҳаётининг маркази вазифасини ўтаган. Шаҳарда савдо-сотиққа ихтисослашган турли-туман моллар сотиладиган алоҳида бозорларнинг йўлга қўйилганлиги савдо маданиятининг анча юксак бўлганлигидан нишонадир.

Амирлик пойтахтидаги бозорларда 3 хил савдо марказлари фаолият қўрсатган. Булар энг аввало тимлар: шойи, турли хил мато савдоси билан шуғулланадиган марказ, иккинчиси турли кийим кечак, идиш товоқлар ва атторлик буюмлари билан савдо қилинадиган расталар: чорсу ҳамда пул алмаштириш саррофлик расталарига бўлинган[4].

Бозорлар кеча-кундуз давомида ишлаган. Булар эрталаб (Чорсу) ва кечкурун (Регистон) бозорлари гавжум бўларди. Чорсу, Чаҳорсу[5] номлари билан машҳур бўлган бозорлар одатда тўрт йўл кесишган ерларда бунёд этилиб, усти гумбаз билан қопланган ва шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган.

Бухоро амирлигидаги машҳур Чорсу, асосан Тоқи Заргарон (заргарлар тоқи), Тоқи Телпакфурушон (бош кийимлар сотилган), Тоқи Саррофон(пул айирбошловчилар маркази) каби савдо расталарини бир-бири билан бирлаштириб турган. Бозорларнинг шарқона ўзига хос томони шундаки, савдо-сотик ишларининг иссиқ ва совукдан ҳимоя этилган ёпиқ тоқ ва тимларда амалга оширилганлигидир. Алоҳида савдо иншоотлари саналган “тим”лар ҳам қизғин савдо марказлари сифатида фаолият қўрсатган. Улардан энг йириги Тими Абдуллохон бўлган. Бу кўплаб гумбазларга эга бўлган тўғри бурчакли иншоотнинг деворлари бўйлаб 100 тагача дўкон мавжуд бўлган. Дўконлар асосан ёғочдан барпо қилинган. Тимларда асосан зарбоф, баҳмал шойидан тайёрланган маҳсулотлар, тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари сотилган.

Телпакдўзлик Бухорода энг тарқалган касблардан бири бўлиб бозорларлarda алоҳида телпакфурушлар расталари (тоқи телпакфурушон) бўлган. 1913 йилда фаолият олиб борган телпакдўз Мурод Ахмедов маълумотларига кўра, шаҳарда 34 та телпакдўзлик дўкони бўлиб, шундан 13 таси Тоқи Телпакфурушонда жойлашган [6].

ХХ аср бошларида Бухоро ҳаётини чуқур ўргангандан шарқшунос А.А.Семёнов, маҳаллий бозор расталарининг бойлиги ҳамда ранг-баранглиги, Шарқ ва Ғарбда ишлаб чиқарилган молларни сотиб олиш имкониятининг кенглиги ҳақида қуидагича гувоҳлик беради: “Бухоро бозорида Щвейцариядан келтирилган қуолтирилган сут, Германиядан концентрат ҳолда келтирилган Либих қуруқ шўрваси, Шанхайнинг қуруқ занжабил мураббоси, Бирма пойтахти Рангундан олиб келинган хушбўй шамлар, Ҳиндистондан келтирилган зардўзлик рўмолларини, Мексиканинг кумуш доллари, Туркияning олтин лираси, инглиз фунт стерлингини бемалол харид килса бўларди”[7].

Бухоро бозорларининг яна бир тури от бозоридир. От сотиладиган бозор ўша даврларда 2та бўлган. Бири шаҳар ичида, Регистон яқинида бўлган. Бу жойда савдо ҳар ҳафтада 3кун шанба, душанба ва сешанба кунлари олиб борилган. Иккинчи от бозори Баҳоуддин мозори яқинида бўлиб, бу ерда савдо, чоршанба кунлари ўтказилган.

Манбаларда, Бухорода отларнинг нархи юқори бўлганлиги қайд қилинади. Бир от 10 тилло (олтин танга) 15 тиллогача харид қилинган.

Асл зотли отларни бозорга чиқармаганлар. Уларни воситачилар оркали савдогарлар ҳовлисидан танлаб олганлар. Бундай мумтоз отлар нархи 100-150 тиллога етган. XIX аср охирида Бухоро шаҳрида 50тага яқин ёпик бозорлар бўлиб, ҳар бир бозорда узига хос маҳсулот сотилган. Жумладан, Зта дон бозори, 1 та балиқ, 1 та ун, 1 та туз, 3 та кўмир, 1 та метал буюмлар сотиладиган бозор, 2 та оёқ кийим, 2 та куруқ мевалар, 1 та тиббиётда қўлланиладиган доривор ўсимликлар сотиладиган бозор, 2та полиз маҳсулотлари, 2та мева бозори, бта сут ва сут маҳсулотлари бозори, 2та ёф бозор ва бошқа бозорлар шулар жумласидандир [8].

Шаҳар марказидаги йирик бозорлардан ташқари Бухорода кўплаб кичик бозорлар бор эди. Улар Гавқушон мадрасасида (бозори Хўжа), Ғозиён Пахтабофон ва Жўйбордаги Ҳавзинавда, Ҳиёбонда, Шергирондан узок бўлмаган ҳавзи баланд, Мирдўстим гузарида ва Бозори навда, ҳавзи Лесакда парранда (товук, каклик, кабутар, бедана) савдоси бозори жойлашган. Кичкина бозорлар шаҳар дарвозалари ёнида, шаҳардан ташқарида ва ичкарида жойлашган. Шаҳар ичида 50 та, шаҳар ташқарисида 22 та бозор мавжуд бўлган [9].

Шаҳарда савдогарлар яшайдиган маҳаллалар ҳам кичик бозорларга айланган. Масалан, Арабон маҳалласида яшаган йирик савдогар Салимохун қоракўл тери сотиш билан шуғулланган. Натижада, бу маҳалла қоракўл тери савдоси билан шуғулланадиган марказга айланган.

Амирликда нафақат савдогарлар, балки чорвадорлар ҳам қоракўл тери савдоси билан шуғулланган. Жумладан, Чориқулбой, Муродбой каби йирик чорвадорлар ҳар йили Бухоро бозорларида 20-30 минг донадан қоракўл тери сотишган. Шунингдек, Ҳақкулбой, Пўлатбой каби бадавлат чорвадорларнинг ҳар бири йилига 15 минг донагача, Юсуфбой исмли бошқа бир шахс эса 8-9 минг дона қоракўл терини шаҳар бозорларига етказиб берган [10].

Бухоро шаҳри дарвозалари яқинида ҳам бозорлар мавжуд бўлган. Хусусан, Самарқанд дарвозаси яқинидаги гавжум бозорда асосан нон ва гўшт маҳсулотлари, саноат усулида тўқилган матолар ва бўёқлар ҳамда ҳунармандчилик буюмлари билан улгуржи савдо қилинган [11].

Бухоро атрофидаги бозорлар савдогарлар ва харидорлар манфаатларидан келиб чиқиб, белгиланган ҳафта кунларига қараб ишлаган. Масалан, душанба куни Фиждуон, Вардонзе, Ҳазрати Мир Кулол, Галаосиё бозорлари ишлаган бўлса, сешанба куни Когон бозори, чоршанба куни Мозори Баҳоуддин, Ҳайробод бозорлари, пайшанба куни Кумушкент, Бўстон, Кум Мозор, якшанбада эса Ромитан, Вобкент бозорлари фаолият олиб борган.

Анча қадими тарихга эга бўлган Вобкент бозорида ҳам савдо-сотик ниҳоятда қизгин кечган. Жойлардаги бозорларнинг ҳар хил кунларда фаолият юритиши савдо ахли, тадбиркорлар учун айни муддао эди. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги ҳафта давомида бир неча бозорларда савдо қилишга ҳаракат қилишган.

XX аср бошларида қишлоқ хўжалигида пахтачиликнинг ривожланиши натижасида пахта савдоси билан боғлиқ бозорлар кўпая бошлаган. Амирлик худудида 70дан ортиқ пахта бозорлари мавжуд бўлиб, ҳафтанинг белгиланган кунлари савдо ишлари амалга оширилган ва бозорга пахта чаноғи билан ёки ёғоч машиналарда тозаланган ҳолда келтирилган [12].

Пахта буюртмачилар ва тарозидорлар оркали сотиб олинган. Тарозидорлар бир вақтнинг ўзида сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги сотув-олувни ташкил этган, давлат божини божини териб олган ҳамда иккала томондан келишишган ҳаражатни амалга оширишган. Натижада улар бозорнинг ягона хўжайинлари ҳисобланишган. Бозорларда керакли пахтанинг камлигини ҳисобга олиб сотиб олувчилар тарозидорларга бўнак (аванс) бериб қўйишарди. Тарозидорлар эса мавсум давомида керакли пахтани етказиб беришарди. Ўз навбатида тарозидорлар бўнакнинг қисмини ишлаб чиқарувчилар (пахтакаш)ларга беришган. Сотилган маҳсулотдан фойда олган ижарачи ва тарозидор кўпроқ маҳсулотни жалб қилишга ҳаракат ҳилар эдилар. Натижада паст навли товарлар ҳам реализация қилинарди. Бу ҳолатдан воқиф бўлган Россия ҳукумати Бухоро пахта бозорларида 1893йилдан бошлаб ўз назоратчисини тайинлади [13]. Назоратчи Бухоро давлат назоратчиси билан биргаликда пахта

бозорларини вакт-вакти билан айланарди. Натижада паҳтанинг паст навлиси сотувга чикарилса, Бухоро қозиси томонидан сотувчи қамчи билан савалашга хукм чикариларди.

Бухоронинг марказий бозорлари билан шарқий Бухоро, яъни тоғли бекликлар ўртасида Қарши шаҳри воситачи васифасини бажарган. Қарши, Ғузор шаҳарларига шарқий Бухородан йилига 7-8 мингдан ортиқ туяларда гуруч, буғдой, кунжут, зигир, тарик ва бошка маҳсулотлар олиб борилган.

XIX асрда Ғузор бозори чорва молларини сотиш ва сотиб олишда энг катта бозор хисобланган. Бухоро амирлигининг шимолий кисмидаги бозорларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва чорва молларининг нархлари жанубий кисмига нисбатан фарқ килган. Жанубдаги бозорларга Хива, Россия, Афғонистон, Ҳиндистондан кўпроқ маҳсулот олиб келинган. Шимолий кисмидаги бозорларга эса четдан келтирилган маҳсулотлар анча кам олиб борилган.

Бухоро амирлиги худудидаги бозорларнинг иқтисодий аҳамиятига эътибор қаратар эканмиз, амирлик пойтахтида шундай бир турдаги бозор бўлғанлигига унинг маънавий қадр-қимматини ҳеч қандай мезон билан ўлчаб булмаслигига гувоҳ бўламиз. Бу машҳур китоб бозоридир. XX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан Бухорода қадимий қўлёзма асарлар савдосига бўлган талаб янада кучайди. XIX асрнинг 80-90 йилларида, деб ёзган эди қадимшунос олим В.Л.Вяткин, Бухорода Ўрта Осиёдаги энг йирик бой ва муҳим китоб бозори бўлган. Бу ерда мусулмон адабиётлари китоб қўлёзма манбалар араб форс ва туркий тилларда бўлиб улар орасида қимматбаҳо ва ноёб китоблар кўп. Самарқанд, Қўкон, Қарши Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарлардаги китоб бозорлари Бухороникидай бой эмас. Бу қадимий шаҳарнинг бозорлари ва китоб дўконларидан ҳамда китобфурушлар қўлидан хоҳлаган китобни топишимиз мумкин. Бозор расталарида китоб ва қўлёзма асарлар уюлиб ётиби[14].

Бухоро шаҳридаги Абдуллахон тимида жойлашган китоб бозорида 25-30 киши савдо қилган. Китоб ва қўлёзма манбалар маҳаллий, рус ва бошқа мамлакатлар қофозларида турли рангларда ёзилган. Китобфурушларнинг ҳар бирида 20-30 тадан қўлёзма китоблар мавжуд бўлган[15]. Китобфурушлар, қўлёзмаларни масжид, мадрасалар ва бадавлат кишиларга сотганлар. Манбаларда қайд қилинишича, Ғузор беги янги қурилган мадраса кутубхонаси учун Бухоро китоб бозоридан умумий қиймати 75000 тангадан иборат ҳар хил китоблар сотиб олган[16].

#### **4. Ҳулосалар:**

Ҳулоса килиб айтганда, Бухоро амирлигининг иқтисодий ҳаётида бозорлар муҳим ўрин эгаллаб, амирлиқдаги савдо-сотиқ муносабатларини ривожлантиришда катта хизмат қилган. Шунинг учун ҳам XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амарлигида бозор фаолияти ва муносабатини ўрганиш Бухоронинг иқтисодий ҳолатини ҳам очиб беради.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Ziyaeva D.Kh.. Transformation of the traditional urban economy of Bukhara at the end of the 19th century - the beginning of the 20th century // Central Asia. Man-Society-State. Moscow 2013.-P.227.
2. Rashidov U.. Political and economic processes in the Bukhara Emirate in the early twentieth century. Bukhara.2011.-P.19.
3. Nebolsin P. Essays on Russia's trade with the countries of the Middle Asia, S-Petersburg, 1856.-P.2.
4. Kozakov B. Travel guide of the Indian tourist "Masiri Bukhara". Buxoronomo.2002. 30 June. – P.6-7.
5. Amonova F. Historical view of the economy of the Bukhara Emirate.Tashkent.2015.-P.30.
6. Kilichev R.E. Crafts in the city of Bukhara in the second half of the XIX century and the beginning of the XX century.-Tashkent.1997. –P.97.
7. Kasimov F. The role of the Bukhara state in the system of international relations. (1900-1924) Bukhara Bulletin. 2004 № 2.-P.5-6.
8. Amonova F. Historical perspective on the economy of the Bukhara Emirate.-Tashkent.2013.-P.32.

9. Ziyaeva D.Kh. Transformation of the traditional urban economy of Bukhara at the end of the 19th century - the beginning of the 20th century // Central Asia. Man-Society-State. Moscow, 2013.-P.227.
10. Sukharev. OA Bukhara -XIX-beginning of XX century-M.1966.-P.243.
11. Sukharev. OA Bukhara -XIX-beginning of XX century-M.1966.-C.48.
12. Turkestansky vedomosti. 1913 December 10.
13. Turkestansky vedomosti. 13 (25) March 1897.
14. Turkestansky vedomosti. 1897, №61.
15. Turkestansky vedomosti. 1897 г.№62.
16. Validev A.O. On the collection of manuscripts in the Bukhara Khanate. S-Petersburg,1916. – P.17.
17. Ochilov Alisher. "The Role of Zamanbaba Culture in The Social and Economic History of Bukhara Oasis During Bronze Age."Central Asian journal of social sciences and history 2.4 (2021): 42-47.
18. Ochilov Alisher. "Jewelryc tradition is a source of study of Bukhara history". Bayterek Uluslararası Akademik Araştırmalar Dergisi 1.1: 105-116.
- 19.Ochilov A. T. "Dating of the Zamanbaba culture: ased on archaeological sources". Theoretical & Applied Science 12 (2019): 589-591.